

Исмайлов К.,

Қорақалпоқ давлат университети иқтисод
фанлари номзоди, доцент;

Исмайлов Т.,

Қорақалпоқ давлат университети бухгалтери

БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ЮРИТИШДА «УЗАСБО» ДАСТУРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

**ИСМАЙЛОВ К., ИСМАЙЛОВ Т. БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ
ҲИСОБИНИ ЮРИТИШДА «УЗАСБО» ДАСТУРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ**

Мақолада ҳозирги вақтда бюджет ташкилотларида ҳисобни юритишда «УЗАСБО» дастурининг зарур эканлиги, бюджет ташкилотлари бухгалтер ходимларининг бу дастурда ишлаш орқали ўз вақтларини тежашига имкон яратилиши ва бошқа афзалликлари келтирилган. Шу билан бирга, дастурда ишлашда бир қатор мавжуд муаммолар ҳам келтирилган. Шунингдек, «УЗАСБО» дастуридан бухгалтерия ҳисобини юритишда фойдаланишда ижобий ютуқларга эришиш бўйича тавсиялар берилган.

Таянч иборалар: бухгалтерия ҳисоби, бюджет ташкилоти, дастур, бош китоб, провodka.

**ИСМАЙЛОВ К., ИСМАЙЛОВ Т. ПРЕИМУЩЕСТВА ПРИМЕНЕНИЯ ПРОГРАММНОГО
ПРОДУКТУ «УЗАСБО» ПРИ ВЕДЕНИИ БУХГАЛТЕРСКОГО УЧЕТА БЮДЖЕТНОЙ
ОРГАНИЗАЦИИ**

В настоящее время настоятельной необходимостью ведения бухгалтерского учета бюджетной организации во все большей степени становится его автоматизация. В статье описываются преимущества применения программного продукта «УЗАСБО» в организации бухгалтерского учета бюджетной организации, что проявляется в значительной экономии времени, увеличении полноты охвата учетной информации. Приводятся некоторые проблемы в применении этого программного продукта, а также рекомендации по достижению позитивных результатов от его применения.

Ключевые слова: бухгалтерский учет, бюджетная организация, программа, главная книга, провodka.

ISMAILOV Q. ISMAILOV T. ADVANTAGES OF SOFTWARE UZASBO IMPLEMENTATION IN ACCOUNTING ARRANGEMENT OF BUDGET ORGANIZATION

There is growing necessity of automation of accounting operation of budget organization. There is described in the article advantages of «UzASBO» software, implementation in the budget organizations, which is exhibiting in saving of time and increasing of covered accounting data. As well, in the article provided data for some problems of the software implementations and recommendations for positive achievement of that implementation.

Keywords: accounting, budget organization, software, main-book, transaction.

Ҳозирги бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритишни автоматлаштирилган бухгалтерия ҳисоби дастурисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Сабаби бюджет ташкилотларида кун сайин қайта ишланиши лозим бўлган ахборот миқдори ортиб бормоқда ва иқтисодиёт тараққиёти бу ахборотни қайта ишлашнинг мураккаблашиб боришига олиб келмоқда.

Охирги йилларда Ўзбекистонда автоматлаштирилган бухгалтерия ҳисоби дастурий мажмуасини жорий қилиш ва янада ривожлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари яратилди ва мунтазам такомиллаштирилиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги ПФ-3080-сонли фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июндаги «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида»ги 200-сонли қарори Молия вазирлиги тизимида алоҳида дастур қабул қилиниши ва ахборотлаштириш тизимининг янада кенг ривожланишига асос бўлди.

Бюджет ташкилотлари учун 2002–2003 йилларда яратилган «Давлат бюджетидagi бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоб-китобини олиб бориш» дастурий мажмуаси Молия вазирлиги тизимидаги бир неча бўлимларда тажриба тариқасида қўлланилиши дастлабки ижобий натижа берди, молиявий ҳисоб-китобларнинг сифати анча яхшиланди ва тезлашди. Ушбу

дастурларни кузатиш ишларига кетадиган харажатлар ҳам анча камайди ва натижада 2003 йилдан вазирлик қарори билан ушбу дастурлар мажмуаси тизимдаги барча минтақавий бўлимларга жорий қилинди. Оқибатда эса Молия вазирлиги бўйича ҳар ой топширилиши зарур булган бухгалтерия ва молиявий ҳисоботларни электрон почта орқали қабул қилиш ва Ахборот ҳисоблаш марказида тезлик билан қайта ишлаш имконияти туғилди.

Барча бюджет ташкилотлари учун давлат бюджети молиявий кўрсаткичларини стандартлаштириш ва унификация қилиш, ҳисобот ва бошқа кўрсаткичларни бир хил кўринишга келтириш орқали ҳисоб-китоб ва ҳисоботларнинг сифати кескин яхшиланди. Ушбу дастурий мажмуанинг жорий этилиши натижасида молия бўлимларининг ҳисоб-китоб ишлари ва ҳисоботларини ўз вақтида топширишлари сифати яхшиланиши туфайли бир қанча минтақавий бўлимларнинг бош ҳисобчиларининг ҳар ойда Тошкентдаги Молия вазирлигига хизмат сафарига келиб ҳисобот топширишларига эҳтиёж қолмади, уларга ҳар ойга сарфланиши зарур булган меҳмонхона, кунлик пул, йўл пули ва ҳоказо харажатлар тежалди. Бу эса тармоқ бўйича сезиларли

самара келтирди. Лекин дастур локал (тизимга боғланмаган ҳолда) ҳолда ишланган бўлиб, унинг ўзига хос камчиликлари ҳам мавжуд эди. Масалан, дастурга янги киритилган ўзгаришлар унга ўз вақтида киритилмай қолар ва оқибатда турли англашилмовчиликларга олиб келар эди.

Шунинг учун 2010-2011 йилларда дастурий мажмуа янада такомиллаштирилиб ва ривожлантирилиб борилди ҳамда унинг марказлашган версияси яратилди. Бу дастур «УзАСБО» – Бюджет ташкилотларида автоматлаштирилган бухгалтерия ҳисоби дастурий мажмуаси деб номланди. Дастур Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг топшириғи асосида вазирликнинг Ахборот ҳисоблаш маркази томонидан қайтадан яратилди. Бу дастур Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2010 йил 17 декабрдаги 105-сонли буйруғи ва Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги Йўриқномага (2169-рақамли) асосан ишлаб чиқилган.

«УзАСБО» дастури Web-технологияга асосланган бўлиб, маълумотлар марказлашган ҳолда сақланади ва дастурдан фойдаланиш интернет тармоғи орқали амалга оширилади. «УзАСБО» дастури ҳар куни ғазначилик дастури билан маълумотлар алмашиш имкониятига эга. Унинг ҳозирги пайтдаги 1-босқичида шахсий ҳисобварақлар ва харажатлар таснифи бўйича қолдиқларни кўриш, электрон кўчирма (выписка)лар олиш ҳамда ғазначилик бўлимлари томонидан рўйхатга олинган шартномалар рўйхати китобини кўриш мумкин. Унинг кейинги 2-босқичида тўлов топшириқномаларини электрон имзо орқали ғазначилик бўлимларига юбориш, шартномаларни киритиш ва бошқа операцияларни амалга ошириш мумкин.

Дастлабки вақтда бу дастурдан Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ташкилотлари фойдаланган. Ҳозирги кунда эса «УзАСБО» дастуридан Қорақалпоғистон Республикасидаги бюджет ташкилотлари ҳам тўлиқ фойдаланмоқда.

Бюджет ташкилотларида «УзАСБО» дастурини қўллашнинг қуйидаги афзалликларини айтиб ўтиш мумкин:

- бюджет ташкилотлари бухгалтерларининг вақтлари тежаллади ва ишнинг самараси ошади;

- Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилаётган бухгалтерия ҳисоботлари ва методик кўрсатмалар ҳамда 2169-рақамли йўриқномага киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар дастурда намоён булади;

- дастур Web-технологияга асосланган бўлиб, ахборотлар базаси марказлашган ҳолда сақланади;

- дастурдан фойдаланиш интернет тармоғи орқали амалга оширилади;

- «УзАСБО» дастури ғазначилик дастури билан маълумотлар алмашиш имкониятига эга;

- барча фойдаланувчилар дастурнинг охириги версиясидан фойдаланишади;

- маълумотлар базаси махсус серверларда сақланиб, ҳар кунлик маълумотлар архивация қилиб турилади;

- фойдаланувчининг компютери носоз ҳолатга келганида маълумотлар йўқолмайди ва фойдаланувчи бошқа компютердан дастурда ишлашни давом эттириш имкониятига эга;

- дастур интернет браузерлари орқали юкланиб, фойдаланувчи компютеридан ортиқча жой эгалламайди;

- дастурга кириб ишлаш учун керакли режим танланиб, унинг ичига кирилади ва керакли операциялар бажарилади.

Дастурда моддий захиралар ҳисобини юритиш учун унинг асосий менюсидаги Хужжатлар (Документы) режимига кириб, ундаги моддий захиралар ҳисоби режимига кириш ва керакли операцияларни танлаш ҳамда реквизитларни кирита бошлаш керак.

Масалан, моддий захиралар ҳисоби бўйича ҳисобварақ ва айланма қайдномалар режими орқали моддий захиралар ҳисоби бўйича ҳисобварақ ва айланма қайдномалар киритилади ва уларнинг дастлабки

учта рақами субсчёт рақамини ифодалаши ва охириги учта рақам тартиб номерини ифодалаши лозим (2169-рақамли йўриқномага асосан).

Дастурда тўловномаларни янгидан тайёрлаш учун унинг Ҳужжатлар (Документы) режимига кириб, унинг ичидаги Тўловнома режимини босиш керак ва ундан кейин берилган тартибда керакли катакларни ҳисобрақам ва бошқа ахборотлар билан тўлдириш лозим.

«УзАСБО» мажмуасида тўловномаларни тезкор киритиш учун унинг ички менюсидаги **«копия»** режимини танлаш ва у орқали мавжуд тўловномадаги маълумотларни ўзгартириш орқали тез киритиш мумкин. Тўловномани киритиб бўлгач, унга ўзгартириш киритиш, уни тасдиқлаш ёки ўчириш (**«удаление»**) қилиш мумкин. «УзАСБО» мажмуасида тўловномаларни тайинланган шахс тасдиқлаши (**«проведен»**) мумкин. Одатда, бу ишларни бюджет ташкилоти бош бухгалтери ёки махсус тайинланган бухгалтерлар амалга оширади.

«УзАСБО» мажмуасида ҳисоботларни олиш тартиби қуйидагича амалга оширилади, яъни дастурнинг ҳисоботлар менюсига кирилса, унда қуйидагилар намоён бўлади:

- барча мемориал ордерлар;
- бош журнал китоби;
- асосий воситалар ҳисоби бўйича инвентар карточкалар ва айланма қайднома;
- асосий воситаларга эскиришни ҳисоблаш ва қайта баҳолаш;
- материал захиралар бўйича айланма қайднома ва миқдор қиймат ҳисоб дафтари;
- жорий ҳисоблар ва ҳисоб-китоблар дафтари (292-шакл);
- касса ва ҳақиқий харажатларни ҳисобга олиш дафтари (294-шакл);
- баланс ва балансга иловалар;
- 2-шакл;
- ойлик ҳисоботи 1-ОҲ;
- дебитор ва кредиторлар қайдномаси;
- бошқа ҳисоботлар.

«УзАСБО» дастури Бош менюсидаги Казна-клиент ("Ғазна-мижоз") режимига кириб, ундаги «Информация» режими танланади. Ҳозирги кунда «УзАСБО» дастурининг 1-босқичида шахсий ҳисобварақлар ва харажатлар таснифи бўйича қолдиқларни кўриш, электрон кўчирма (выписка)лар олиш ҳамда ғазначилик бўлимлари томонидан рўйхатга олинган шартномалар рўйхати китобини кўриш мумкин.

Дастурнинг 2-босқичи ишга тушгач эса тўлов топшириқномаларини электрон имзо орқали ғазначилик бўлимларига юбориш, шартномаларни киритиш ва бошқаларни кўриш мумкин бўлади.

Бюджет ташкилотларида «УзАСБО» дастурини қўллашнинг айрим муаммолари ҳам мавжуд:

- айрим бюджет ташкилотларида ишлаган бухгалтерлар «УзАСБО» дастурини тўлиқ билмаслиги сабабли уларнинг малакасини ошириб бориш лозим;

- бюджет ташкилотларида электр энергиянинг вақти-вақти билан узилиши дастурдан узлуксиз ишлашга халақит беради;

- дастурнинг интернет орқали ишлашини таъминлашда, айрим жойларда интернетнинг ишлаш тезлиги паст бўлиши сабабли ишлар суст бажарилади;

- бюджет ташкилоти бухгалтерлари янги методик кўрсатмалар билан таъминланиши суст йўлга қўйилган.

«УзАСБО» дастурида самарали ишлаш учун юқорида кўрсатилган муаммоларни ҳал этиш, яъни бюджет ташкилотлари бухгалтерларининг мунтазам малакасини ошириб бориш, шунингдек, бюджет ташкилотлари электр энергия таъминотининг узилиш сабабларини таҳлил қилиш ва уни бартараф қилиш орқали унинг доимий равишда таъминланиши ва интернет ишлаш тезлигининг кучайтирилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августдаги «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги 279-И-сонли қонуни.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги ПФ-3080-сонли фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПК-594-сонли қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июндаги «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 200-сонли қарори.
5. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. // Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи», 2015 йил 17 январь.
6. [www. mf.uz](http://www.mf.uz)
7. [www. itmf.uz](http://www.itmf.uz)
8. [www. treasury.uz](http://www.treasury.uz)